

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

РАХМАТУЛЛАЕВА ДУРДОНА РАВШАНОВНА

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИБ
ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” мисолида)**

13.00.05-Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Рахматуллаева Дурдона Равшановна

Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни такомиллаштириш (“Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” мисолида) 3

Рахматуллаева Дурдона Равшановна

Совершенствование ориентированного обучения учащихся профессиональных колледжей к предпринимательской деятельности (На примере ремонта и технического обслуживания автомобилей) 21

Raxmatullayeva Durдона Ravshanovna

Improvement perfection of the oriented training of students of professional colleges for entrepreneurial activity education (On the example of repair and maintenance of cars)..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

РАХМАТУЛЛАЕВА ДУРДОНА РАВШАНОВНА

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИБ
ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” мисолида)**

13.00.05-Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ped181 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уразова Марина Батыровна
педагогика фанлари доктори, доцент

Хакимов Равшан Рашодович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй, Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37, E-mail: moqt@markaz.uz).

Диссертация билан Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ да ___ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби п.ф.н., доцент

А.Р.Ходжабаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси п.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган «Founders4School» (Буюк Британия), The Young Entrepreneurs Academy (Канада), Youth Entrepreneurship Program (Калифорния), "AMIDEAST" (Миср) каби минтақавий дастурлар амалга оширилмоқда. Ихтисослаштирилган таълимнинг дидактик-технологик имкониятлари ва бошқа ресурсларнинг фаоллашиши, таълим дастурларининг сифат жиҳатдан янгилашиши шароитида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини жорий этишнинг самарали критериал-диагностик матричасини ишлаб чиқиш, медиатаълим, дастурлаштирилган таълим усуллари кўллаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолияти миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисмидир. Таълими муассасаларида иқтисодий фанларни ва тадбиркорлик фаолиятини чуқур ўрганиш бозор иқтисодиётини диверсификациялаш шароитида бўлажак мутахассисларни ҳаётий фаолиятга тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Жаҳон тенденциясига кўра, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш илғор мамлакатлар таълими тизимидаги ишчи ўринларининг яратилиши ва ишсизликнинг камайишига, ишлаб чиқариш товарлари ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ортишига, ижтимоий дастурларни жорий этиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Бу эса ёшларни тадбиркорлик фаолиятига, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга, замонавий иқтисодий билимларни пухта эгаллаш учун тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилишнинг устувор йўналишларидан бири-бу ўрта мулкдорлар синфининг шаклланишига имкон туғдирадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Шу нуқтаи назардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, ёшларни, жумладан, ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш иқтисодий ривожланишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш"¹ белгилаб қўйилган. Мазкур устувор вазифаларни амалга оширишда касб-хунар таълими муассасаларида махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларни тегишли мутахассислик доирасида тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш орқали ўз кичик бизнесини ташкил этишга тайёрлаш долзарб ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. –Б. 39.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПФ-4941 сонли “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Фармойиши, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 25 январдаги 5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги 5016-сонли “Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармон ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълим тизимида бўлажак мутахассисларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш масалалари бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, касб-хунар таълими назарияси ва методикасини ривожлантириш муаммолари бўйича У.И.Иноятов, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабаев, Н.А.Муслимов, З.К.Исмаилова, Р.Ҳ.Джўраев, Х.Ф.Рашидов, О.А.Абдуқуддусов, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, Ж.А.Ҳамидовлар; шахсга йўналтирилган таълимни ташкил этиш бўйича Д.Ж.Шарипова, Р.Ҳ.Джўраев, О.Мусурмонова, Ф.Юзликаев, М.Х.Тохтаходжаева, У.Маҳкамов, С.Нишонова, В.Сериков, И.С.Якиманская ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг назарий асослари ва уни ривожлантириш муаммолари бўйича Б.Ю.Ходиев, И.А.Бакиева, А.Ё.Остонов, Қ.Муфтайдинов, Н.С.Касимова, М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимовалар; ўқувчиларда иқтисодий билим ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари бўйича Н.Камалова, С.Бобоқулов, Р.Ҳақимов ва А.Низамовларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Талабаларни мустақил тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашнинг ташкилий-педагогик асослари МДҲ мамлакатлари олимларидан А.В.Леонтъев, Е.В.Максимова, И.А.Параманов, М.В.Богданов ва Т.М.Матьвеевлар, хорижий мамлакатлари олимларидан R.Cantillon, A.Smith, J.B.Sey, J.A.Schumpeter, G.A.Hosking, R.Hisrich, J.Ch.McConnell ва бошқалар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг назарий асослари ва ижтимоий аҳамияти бўйича тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Олиб борилган изланишлар ва таҳлиллар натижасида касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш ва тайёрлашнинг замонавий назарияси ва амалиётидаги ҳолатини ўрганиш қўйидаги муаммо ва зиддиятлар мавжудлигини кўрсатди: касб-хунар коллежи ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни амалга ошириш учун шарт-шароитлар ва педагогик имкониятларнинг мавжудлиги билан ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш ва тайёрлашнинг илмий-услубий жиҳатдан асосланмаганлиги; бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашнинг мавжуд шаклланган анаънавий тизими билан ўзгарувчан меҳнат бозори шароитларини ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги; автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш орқали тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4. “Касб-хунар коллежлари битирувчиларида тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини ривожлантириш ва амалиётга жорий этиш” (2016-2017 йй.) ва Ф1-ОТ-0-90467 “Касб-хунар коллежларида касбларни меҳнат бозори эҳтиёжига мослигини таъминлаш механизминини ишлаб чиқиш” мавзусидаги инновацион ва фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

техника таълим йўналишидаги касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг интегратив педагогик тузилмасини ишлаб чиқиш ва унинг компонентлар мазмунини такомиллаштириш;

бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни такомиллаштириш омилларини аниқлаш ва дидактик имкониятларини очиқ бериш;

бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига самарали тайёрлаш имконини берувчи методик таъминотини ишлаб чиқиш;

касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларида тадбиркорлик фаолиятига тайёргарликнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш, ўқув-услубий таъминотини ишлаб чиқиш ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

касб-хунар таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда олинган натижаларни математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг объекти касб-ҳунар таълими муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш мазмуни, шакллари, методи ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, психологик ва касб-ҳунар таълими тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни (ДТС, низомлар, намунавий ўқув режа ва фан дастурлари), тадбиркорлик ва вазиятли ролларни ўйнаш, кичик бизнес корхоналарига бориб, улар фаолиятини ўрганиш, амалий топшириқлар бажариш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета-сўров, тест), бизнес-режалар тузиш, тажриба-синов ишини ўтказиш ва олинган маълумотларни математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

техника йўналишидаги касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш ўқув жараёнининг интегратив тузилмаси ўқитиш босқичларида мотивацион, интеллектуал, коммуникатив ва фаолиятли йўналишларни мувофиқлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

махсус фанларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг имитацион моделлаштириш имкониятлари ўқувчиларни лидерлик, коммуникативлик ва креативлик қобилиятларини шакллантиришга қаратилган “ғоялар ярмаркаси”, “стратегик тадбиркор”, “мақсадли кредит” каби дидактик ўйинлар орқали кенгайтирилган;

тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг ахборот-методик таъминоти ўқув жараёнида прогностик-таҳлилий ва ташкилий-услубий функцияларни чуқурлаштириш, ўқув дастурлари мазмунини оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг тадбиркорлик кўникмалари билан боғлиқ мотивацион, когнитив ва фаолиятли мезонлари компонентлари ва сифат кўрсаткичлари асосида дифференциаллаш орқали касбий фаолиятга тайёргарлик даражаларини аниқлаш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” таълим йўналишлари ишчи ўқув режаси танлов фанлари блокида “Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” махсус курси ўқитилган ва унинг ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилган;

“Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” номли ўқув ва электрон қўлланмалар яратилган ва амалда фойдаланилмоқда;

Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида “Ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётган шахслар учун” махсус ўқув дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган;

“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркорлар бизнес клубини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилган ва Низом асосида амалиётга жорий этилган ҳамда “Ёш тадбиркорлар” бизнес клублари фаолият кўрсатмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Республикамиз ва ҳалқаро миқёсидаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда ҳорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва улар ҳақидаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоблар; интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши бўйича адабиётларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш жараёни шахсга йўналтирилган ёндашув асосида аниқлаш мумкинлиги билан изоҳланади. Йўналтириб ўқитиш натижалари таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнини модернизация қилиш, йўналтириб ўқитиш жараёни объективлигини таъминлаш имконини яратади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, илмий-тадқиқот ишлари натижасида ишлаб чиқилган “Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” махсус курси, “Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” таълим йўналиши ўқувчилари учун “Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” ўқув ҳамда электрон қўлланмаси тадбиркорлик фаолияти учун рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича Тошкент ва Самарқанд автомобиль ва йўллари коллежи, Шайхонтохур транспорт касб-ҳунар коллежи ҳамда Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежларининг “Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” таълим йўналиши учун “Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” махсус курси ва унинг ўқув-услугий таъминоти ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 31 октябрдаги 01/05-164-сонли маълумотномаси). Мазкур махсус курс касб-ҳунар таълими муассасаларининг “Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” таълим йўналиши ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятга йўналтириб ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

касб-ҳунар таълими муассасаларининг “Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” таълим йўналиши ўқувчилари учун “Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш”

номли ўқув қўлланмаси (07.07.2017 йил, 04659-рақамли гувоҳнома) ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига тадбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 13 ноябрдаги 89/03-2786-сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув материаллари техник хизмат кўрсатиш таълим йўналишлари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Савдо-саноат палатасининг “Тадбиркорлик асосларига ўқитишни ташкил этиш” марказида “Ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётган шахслар учун” методик таъминоти ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилди (Савдо-саноат палатасининг 2017 йил 1 ноябрдаги 11/КУ-26-6787-сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқилган таклифлар тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётганлар шахсларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашда шахсий ва касбий муҳим сифатларини ривожлантиришга хизмат қилган;

“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи”нинг “Ёш тадбиркорлар бизнес клубини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш методикаси “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи”нинг Шайхонтохур ва Олмазор туман кенгашлари томонидан ташкил этилган семинарлар ва ўқув курсларида жорий этилган (“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” Шайхонтохур туман кенгашининг 2017 йил 18 октябрдаги 02-06/35-сонли маълумотномаси, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” Олмазор туман кенгашининг 2017 йил 19 октябрдаги 02-06/25-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш жараёнида шахсий ва касбий муҳим сифатларини самарали шакллантириш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та ҳалқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-услубий ишлар, шундан 1 та қўлланма, 10 та мақола: ОАК рўйхатида қайд этилган хорижий журналларда 3 та ва республика илмий журналларда 7 та мақола чоп этилган ҳамда давлат интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети тавсифланган; илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий

этилганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Касб-хунар таълими тизимида бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг илмий-методик асослари”** деб номланган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг омили эканлиги, касб-хунар таълими тизимида ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг назарий асослари ҳамда касб-хунар таълими тизимида ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашда ижтимоий-педагогик ёндошувлардан фойдаланиш асослари очиқ берилган.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ривожланган ва ривожланиб бораётган кўпгина давлатларда иқтисодиётнинг юксалишига, асосан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали эришилган. Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши салмоқли ҳиссани ташкил қилаётганлиги бошланган ишларнинг натижасини намоён қилиб турибди. 1992 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 1,4 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектор улушига тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни, 2017 йилда эса 53,3 фоизни ташкил этган. Юқорида келтирилган рақамлардан кўринадики, бугунги кунда ЯИМнинг ярмидан ортиқ қисми тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳозирги кунда иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида хизмат қилмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш, жумладан, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишда муҳим ўрин тутаяди. Шуни таъкидлаш ўринлики, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларга чуқур билимли, юксак савияли, мустақил фикрлайдиган ёшларнинг бу борадаги иштирокини таъминлаш бугунги кундаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Академик лицей ва касб-хунар коллежларини ҳар йили ўрта ҳисобда 400 минг нафардан ортиқ ўқувчилар битириб чиқмоқдалар. Битирувчиларнинг 10-12 фоизи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттираётган бўлсалар, қарийб 88-90 фоиз битирувчиларни эса бандлигини таъминлаш талаб этилади. Уларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашларига яқиндан кўмаклашиш, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнларида фаол иштирок этишга тайёрлаш, уларга тадбиркорлик фаолияти бўйича етарлича шарт-шароитлар яратиш бериш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим

муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4232-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 16 январда тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари ўқувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, касб-хунар коллежлари ўқувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. 2017 йил 1-чорак якунига кўра, касб-хунар коллеж ўқувчилари учун ажратилган кредитлар миқдори 79,8 млрд. сўмни ташкил этган.

Касб-хунар коллежларида тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг асосий мақсади – ўқувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлигини шакллантиришдир. Илмий адабиётларда “тайёргарлик” тушунчаси фаолиятни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти, касбий йўналганлик, фаолиятга яроқлилик, муайян қобилиятлар белгиси сифатида таърифланган.

Касб-хунар коллеж ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этди: тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш жараёнларини, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш босқичларини, бизнес-режани тузиш қоидаларини; тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тартиби, солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва амал қилиш хусусиятлари, солиқ тизими ва унинг таркибий тузилишларни ўргатиш; келгусидаги касбини режалаштириш, иш излашда аниқ мақсад ва режаларни белгилай олишини шакллантириш; битирувчиларнинг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлаш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш; давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёшларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун мақсадли кредитлар ажратиш ва уларнинг сарфини таъминлашда тизимли назоратни йўлга қўйиш; тадбиркорлик фаолиятининг имкониятлари ҳақида кенгроқ тушунтириш; ёшлар ўртасида касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилар учун яратилган имтиёзларни кенгроқ тарғиб этиш; тадбиркорлик фаолиятига оид билим ва малакаларни ривожлантириш; юқори натижаларга эришган тадбиркорлар ҳамда мутахассислар билан учрашувларни кўпайтириш; ўз бизнесини ташкил қила олиш ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўша олиш каби сифатларни шакллантириш лозимлиги аниқланди.

Биз тадбиркорлик фаолиятига берилган баҳо, мулоҳаза ва фикрларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида тадбиркорлик фаолиятига қуйидагича таъриф беришни лозим деб топдик. Тадбиркорлик – бозор иқтисодиётининг бош категорияси бўлиб, таваккалчилик шароитида ишлаб чиқаришнинг алоҳида инновацион шакли билан шуғулланиб, ўз мол-мулки орқали даромад ва фойда олишга йўналтирилган фаолиятдир. Шунингдек, тадбиркорлик - иқтисодий билим асосларини пухта ўзлаштириш ва бошқарув соҳасида маълум тажрибаларга эга бўлиш, юзага келувчи муаммоларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этиш, хўжалик ва моддий маблағлардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган фаолият тури ҳисобланади.

Ўтказилган назарий тадқиқот ва махсус ташкил этилган тажриба-синов ишлари тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлик ўзаро боғлиқ бўлган таркибий компонентларнинг мураккаб синтезини ифодалайди. Улар қаторига мотивацион, когнитив, фаолиятли ва инновацион компонентлар киритилди. Мотивацион компонент – касб-хунар коллежи ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига қизиқтириш, йўналтириш, тадбиркорлик субъектига хос бўлган шахсий сифатларини шакллантиришни назарда тутди. Когнитив компонент – тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича билимларни ўз ичига қамраб олган ўқув материалларини ўзлаштиришга қаратилади. Фаолиятли компонент – тадбиркорнинг касбий фаолияти талабларига мувофиқ амалий ҳаракатларни танлаш ва лойиҳалашни ифодалайди. Инновацион компонент – тадбиркорлик фаолиятининг ностандарт шакли билан шуғулланиш, янгилик кирита олишни назарда тутди.

Касб-хунар коллеж ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш – тадбиркорлик соҳасига оид билим, малака ва кўникма ҳамда компетенцияларни ўзлаштириш қобилиятларини, ишбилармонлик сифатларини, тадбиркорлик фаолиятига оид тафаккурини шакллантириш жараёнидир. Бунинг учун бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндошувдан фойдаланиш зарурлиги аниқланди. Биз “Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” таълим йўналишида таҳсил олувчи ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндошувга таяндик. Шахсга йўналтирилган ёндошув – бўлажак мутахассиснинг фақат касбий билим, кўникма ва малакаларни эмас, балки шахсий имкониятларини ривожлантиришни ҳам назарда тутди. Бунда шахснинг ички кучларини, ақлий ва маънавий имкониятларини, мураккаб ижтимоий ва муаммоли касбий вазиятларда мустақил қарор қабул қила олиш, инновацион, ижодий жараёнларни амалга ошириш қобилиятларини, касбий сифатларини ҳамда тадбиркорлик фаоллигини ривожлантириш назарда тутилди. Ушбу мақсадга таълим жараёнида иммитацион ўйин методлари, тадбиркорлик фаолиятида юзага келадигани муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, кейс-стади усуллари орқали эришилди. Педагогик вазифалар ўқитишнинг анъанавий (маърузалар, семинарлар, амалий ишлар) ва ноанъанавий шакллар (ўйинлар, тренинглар, тақдимотлар, кроссвордлар ва бошқалар) воситасида амалга оширилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш методикаси”** деб номланган бўлиб, касб-хунар таълими тизимида бўлажак кичик мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг ташкилий-педагогик тузилмаси ва унинг компонентлар мазмуни, шакллари ва методлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш методикаси ва уни амалиётга жорий этиш хусусида сўз юритилган.

Касб-хунар коллежларида шахсга йўналтириб ўқитиш жараёнини моделлаштириш мураккаб, кўп жиҳатли жараён бўлиб, у ўз ичига ўқитиш мақсадлари, мазмуни, педагогик шарт-шароитлари, методикалари,

босқичлари ва натижаларини қамраб олади. Бўлажак кичик мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни моделлаштиришда қуйидаги тамойиллардан фойдаланилди: тизимнинг барча компонентларини акс эттирувчи моделнинг тўлиқлиги; тизимнинг пировард мақсадлари унинг лойиҳалаштирилаётган компонентларига мос келиши; автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш соҳаси таълим йўналиши ўқувчиларининг тадбиркорликка тайёргарлигини шакллантиришга қаратилган моделнинг ишончлилиги; ўқувчиларни реал касбий ва тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш учун зарур бўлган компонентларнинг мувофиқлиги; ўзгарувчан шароитларда моделни қўллаш имконияти ва истиқболли эканлиги; касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш босқичларининг ўзаро боғлиқлиги ва узлуксизлиги.

Ушбу тамойилларга таянилган ҳолда касб ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг педагогик тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг педагогик тузилмавий схемасини жорий этишда қуйидагиларга таянилди: мавзулар бўйича вазиятли-ролли ва иммитацион ўйинлар; тадбиркорлик малакаларни ривожлантириш бўйича тренинглар; автотранспорт корхоналарида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш; автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш; бизнес-таълимни амалга ошириш.

Тадқиқот ишида қўйилган вазифалардан бири, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бизнес-режани ишлаб чиқиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам энг тўғри қарор қабул қила олиш, ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш, молиявий ҳолатни бошқара олиш малакаларини ривожлантиришдан иборат. Биз томондан ишлаб чиқилган “Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” махсус курс дастури асосида ўтказилган машғулотларда фойдаланиш мумкин бўлган иммитацион ўйинлардан “ишга жойлашиш” ва “ғоялар ярмаркаси”, “стратегик тадбиркор”, “мақсадли кредит” ҳамда бошқа тадбиркорлик ва ролли ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи бобда касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари, тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш сифатини баҳолаш мезонлари, тадбиркорлик кўникмаларининг шаклланганлик даражалари ва кўрсаткичлари асосланган, тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш методикасининг самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик таҳлили акс этган.



1-расм. Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг педагогик тузилмаси

Бўлажак мутахассисларда шахсга йўналтирилган ёндошув асосида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик амалиёти куйидаги шарт-шароитлар зарурлигини таъқозо этди: ўқув-меъёрий хужжатлар; тадбиркорлик фаолияти бўйича билимларни ўз ичига олган ўқув материаллар мазмунини бойитиш (махсус курс дастури, ўқув дастури, ўқув ва электрон қўлланма); касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига оид ахборот-маълумотлар билан таъминлаш; ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришнинг ижтимоий йўналишлари (бизнес-клублар, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази, тадбиркорлик асосларига ўқитишни ташкил этиш марказлари).

Муаммони назарий тадқиқ этиш бизга касб-хунар коллежи ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш сифатини баҳолаш мезонларини аниқлашга имкон берди: мотивацион мезон — тадбиркорлик фаолиятига қизиқиш, ижобий муносабат, амалий ишлаб чиқариш маҳоратини ривожлантиришдаги қатъийлик, келажақда тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳоҳиши мавжудлиги; когнитив мезон — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган билимларни эгаллаш, иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг ҳамда ҳуқуқ соҳаси бўйича билими; фаолиятли мезон — амалий топшириқларни, масалаларни ечишни бажариш сифати, тадбиркорлик кўникмалари ва малакаларининг муҳим компонентларнинг шаклланишини ифодалайди; инновацион мезон — тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда янгилик киритиш, янги фаолият турлари билан шуғулланиш ҳамда новаторлик, етакчилик ва ишбилармонлик сифатлари.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлашда юқори, ўрта, қониқарли ва қониқарсиз кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари 2014-2017 йиллар давомида Тошкент ва Самарқанд автомобиль ва йўллари касб-хунар коллежи, Шайхонтохур транспорт касб-хунар коллежи, Чирчиқ саноат касб-хунар коллежларида олиб борилди. Унда тажриба-синов гуруҳларида 240 нафар ўқувчи, назорат гуруҳларида 242 нафар ўқувчилар танлаб олинди. Тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида респондентлар тенг асосда: тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Тажриба гуруҳида изланувчи томонидан тавсия этилаётган касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни таъминлашга ёрдам берувчи методика асосида амалий фаолият йўлга қўйилган бўлса, назорат гуруҳларида эса анъанавий тартибда ўқув-тарбия ишлари олиб борилди.

Тажриба гуруҳи ўқувчилари учун “Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” махсус курс дастури ишлаб чиқилди. Ушбу махсус курс дастурини ўқитишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқитишнинг турли шакллари ва методларини, шу жумладан, иммитацион ўйинлар, тренинглари, муаммоли вазиятлар, тест синовлари, турли хил топшириқлар - амалий дарс билан

назарий қисми бирга қўшиб олиб бориш режалаштирилган. Дастурда амалий ишларга ажратиладиган соатлар ҳажми умумий вақт ҳажмининг 50%ни ташкил этди, бу эса ўқувчиларда курснинг мазмунига қизиқишлари оширишга, тадбиркорлик фаолияти бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга имкон берди.


Назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг барча кўрсаткичлар бўйича умумий натижалари қуйидагича бўлди:

Тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида 8% (20 нафар) ўқувчи аъло баҳо олган бўлса, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 25 % (60 нафар) ўқувчи аъло баҳо олди ва 17 % га ортганлигини, назорат гуруҳларида эса 11% (26 нафар) ўқувчи аъло баҳо олди яъни 2%га ортганлигини кўришимиз мумкин;

Тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида 30-31% ўқувчи аъло яхши олган бўлса, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 49% (118 нафар) ўқувчи яхши баҳо олди ва 29 % га ортганлигини, назорат гуруҳларида эса 27% (66 нафар) ўқувчи яхши баҳо олиб 3-4%га камайганлигини кўришимиз мумкин;

Тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида 50% (124 нафар) ўқувчи қониқарли баҳо олган бўлса, тажриба охирида тажриба гуруҳларида 26 % (62 нафар) ўқувчи қониқарли баҳо олди ва 24 % га ортганлигини, назорат гуруҳларида эса 48% (118 нафар) ўқувчи қониқарли баҳо олди 2%га камайганлигини кўришимиз мумкин;

Тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида 10-11% (24-25 нафар) ўқувчилар қониқарсиз баҳо олган бўлса, тажриба охирида тажриба гуруҳларида қониқарсиз баҳо олган ўқувчилар бўлмади, назорат гуруҳларида эса 6% (14 нафар) ўқувчи қониқарсиз баҳо олди ва 5%га камайганлигини кўришимиз мумкин.



2-расм. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Тажриба-синов натижаларининг ҳаққонийлигини аниқлаш учун машҳур инглиз статисти К.Пирсон томонидан таклиф этилган χ^2 (хи квадрат) мезонидан фойдаланилди.

Ҳар бир объектларда олиб борилган тадқиқот ишининг натижаларини Т-статистиканинг қийматларини ҳисоблаб, унинг критик қиймати билан таққослаймиз ва қайси гипотезанинг ўринли эканлигини аниқлаймиз. Барча ҳисоб-китоблардан олинган натижалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳидаги ўқувчиларнинг статистик кўрсаткичлари

Таълим муассасалари	Тажриба гуруҳи ўртача қиймати	Назорат гуруҳи ўртача қиймати	Самарадорлик коэффициенти	Т критик қиймат	Т статистик қиймат	Критерия хулосаси
Шайхонтохур транспорт КҲК	4,03	3,42	1,18	7.81	9,93	H ₁ гипотеза қабул қилинади
Самарқанд автомобил ва йўллар КҲК	3,94	3,41	1,16	7.81	8,56	H ₁ гипотеза қабул қилинади
Чирчиқ саноат КҲК	4,03	3,48	1,16	7.81	8,83	H ₁ гипотеза қабул қилинади
Тошкент автомобил ва йўллар КҲК	3,97	3,40	1,17	7.81	8,46	H ₁ гипотеза қабул қилинади

Жадваллар натижаларига кўра, ўртача самарадорлик 1,17 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Бу математик-статистик усуллар орқали исботланди.

Тадқиқотимиз натижаларини математик – статистик усул ёрдамида қайта ишлаш $\chi_{emp}^2 > \chi_{krit}^2 95\%$ тенгсизлик ўринли эканлигини тасдиқлайди. Бу эса бизнинг тадқиқотимиз илгари сурган илмий фаразни статистик жиҳатдан тўғри дейишимизга асос бўлади.

ХУЛОСАЛАР

“Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олиб борилган таҳлиллар ва изланишлар, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишга

оид тадқиқотлар таълим-тарбия жараёнида иммитацион ўқитиш методикасидан етарли даражада фойдаланилмаганлигини кўрсатди.

2. Тадбиркорлик фаолиятига лидерлик, коммуникативлик ва креативлик қобилиятларини такомиллаштириш асосида бўлажак кичик мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндошувдан фойдаланиш зарурлиги асослаб берилди.

3. Шахсга йўналтирилган ёндошув таълим олувчиларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришга; инсоннинг ўзини шахс сифатида англаш учун шароит яратишга; ўқитиш жараёнида шахснинг эркин намоён бўлишига йўналтирилган. Бу мақсадларга таълим мазмуни, таълим дастурларининг вариативлиги, ўқитиш технологиялари ва таълим муҳитини ташкил этиш орқали эришиш аниқланди.

4. Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини шахсга йўналтирилган ёндошув асосида тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишнинг педагогик тузилмаси ишлаб чиқилди. Бўлажак мутахассисга қўйилган малака талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш мақсади, компонентлари, педагогик шарт-шароитлари, босқичлари, тайёргарлигини баҳолаш мезонлари, даражалари илмий-методик жиҳатдан асослаб берилди.

5. Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишда “Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш” таълим йўналишлари ишчи ўқув режасининг қўшимча фанлар блокига “Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” махсус курси киритилди ва ушбу курснинг ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилди.

6. Бўлажак кичик мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрғалиги самарадорлигини оширишга имкон берадиган “Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” ва “Ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётган шахслар учун” ўқув курси материаллари билан таъминланди.

7. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижасида “Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш” махсус курси ўқитилган тажриба гуруҳида ўзлаштириш даражасининг ўртача самарадорлик кўрсаткичи ошишига эришилди.